

Андижон шаҳар

Бизлар ким куйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан «ТЕХНОПОЛ ЭЛИТ»М.Ч.Ж номидан раҳбар Н.Косимов келгусида “Таъминотчи” деб номланган ва иккинчи томондан Андижон ВБФ сихатгоҳи номидан раҳбар Ҳ.Хайдарова келгусида “Харидор” деб номланиб, куйидаги мазмунда шартномани туздик.

1. Шартнома моҳияти

1.1 “Таъминотчи” “Харидор”нинг талабномаси билан ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотади. “Харидор” эса олган маҳсулотлари учун туловни “Таъминотчи”нинг банкидаги тегишли ҳисоб рақамига келишилган муддатда утказиб беришни ўз зиммасига олади

т/р	Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қиймати
						ставкаси	суммаси	
	1	2	3	4	5	6	7	8
1	Дезинфекцияловчи восита Мегахлорактив	кг	203	51 600,00	10 474 800,00	15%	1 571 220,00	12 046 020,00
2	Дезинфекцияловчи восита Азопирам -С	дона	2	39 580,00	79 160,00	15%	11 874,00	91 034,00
3	Дезинфекцияловчи восита Фенолфталеин-100мл	дона	1	12 460,00	12 460,00	15%	1 869,00	14 329,00
4	Дезинфекцияловчи восита Пергидрол	кг	12	17 360,00	208 320,00	15%	31 248,00	239 568,00
5								
6								
Жами тўлашга:								12 390 951,00

Сумма: Ўн икки миллион уч юз тўқсон минг тўққиз юз эллик бир сўм

2. Маҳсулотнинг сифати

2.1. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан етказиб бериладиган товар ва моддий қийматликлар учун белгиланган ГОСТ стандартлари мос келиши шарт.

3. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

- 3.1. Ҳисоб-китоб “Харидор” томонидан “Таъминотчи” пул утказиш йули билан амалга оширилади.
- 3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Газначилик булимидан руйхатдан утиб, маблаг 5 банк иш кунида “Харидор” етказиб бериладиган маҳсулотлар умумий суммасининг 30% (фоизи)ни яъни 3717285 / 42 миллион 0874 юз ўн етти минг икки юз саксон беш сўм тарикасида “Таъминотчи” нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.
- 3.3 “Харидор” томонидан 30% (фоизи) олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг “Таъминотчи” 3 банк иш кунида давомида мазкур шартномада курсатилган микдорда ва нархларда давлатстандарти талабларига жавоб берадиган, маҳсулотларни “Харидор”га етказиб беради.
- 3.4 Колган охириги 70% (фоизи) ни “Таъминотчи” томонидан етказиб берилган маҳсулотлар ҳисоб варақа фактуралари асосида 30 банк иш кунида утказиб берилади.
- 3.5. Маҳсулотларни етказиб бериш харажати “Таъминотчи” ҳисобидан қопланади

4. Жўнатиш ва қабул қилиш шартлари.

4.1 Сотиб олинган товарларни жунатиш “Таъминотчи” томонидан амалга оширилади, етказиб бериш санаси бўлиб, товарнинг “Таъминотчи” омборидан юбориш санаси ҳисобланади, товарни қабул қилиш, “Харидор” томонидан уни микдори, сифати ва руйхати ҳисоб-фактура асосида амалга оширилади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

- 5.1. Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирилиши ёки нотўғри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар
- 5.2. “Таъминотчи” ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:
 - берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган маҳсулотни қабул қилишда асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
 - Агар маҳсулотни етказиб бериш жараёнида “Таъминотчи” шартнома шартлари ва нормативларда чекинишга йул куйган булса, “Харидор”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдур. “Харидор” “Таъминотчи” томонидан етказиб берилган маҳсулот сифати курсатилган баённоманинг тўғрилигини 5 кун мобайнида текшириб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади
- 5.3. “Харидор” ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.
 - Агарда “Харидор” “Таъминотчи” томонидан етказиб берилган маҳсулотни сақлаш мобайнида йул куйган камчиликлар натижасида маҳсулот сифати бузилса, “Таъминотчи” жавобгарликни ўз зиммасига олмайди .
 - Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар тугрилиани харажатларини қоплашини талаб қилишга: Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказиб зарарни қоплашини “Таъминотчи”дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.